



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 21-oktabr. Seshanba 124 (31.871)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Участка сайлов комиссиялари 2014 йил 11 декабрга қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиши лозим

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисидаги Фармони барча қатори сирдарёлик уруш ва меҳнат фахрийларини ҳам беҳад мамнун этди. Бугун уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, қўлларини дуога очиб, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ўз миннатдорликларини изҳор қилмоқда.

Вилоят «Нуроний» жамғармасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари иштирокида ўтказилган тадбирда мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти алоҳида таъкидланиб, кенг қўламада тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш чоратadbirlари белгиланди.

Эъзоз ва эҳтиром намунаси

Ўтбосар АБДИЕВ,

«Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимиз фармони вилоятимиздаги уруш ва меҳнат фахрийларининг кўнгилни тоғдек кўтарди. Ҳатто кўплаб кексаларимизнинг кўзларида қувонч ёшлари қалқиганига ўзим гувоҳ бўлдим. Улар ҳаммиса Юртбошимиз ва халқимиз эътибори ва эъзозидан эканликларидан қувонишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ноқ уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсатилган. Уларнинг яшаш шароитлари, сиҳат-саломатликлари ҳаммиса эътиборда. Ҳеч бир байрам, оммавий тадбир фахрийларимиз иштирокида ўтмайди.

Вилоятимиз бўйича 62 нафар II жаҳон уруши қатнаш-

чиси, 1467 нафар уруш орти меҳнат фахрийси бор. «Нуроний» жамғармаси учун ажратилган 71,9 гектар ерда 11 корхона ва фермер хўжаликлари ташкил этилган. Олинаётган даромад ҳисобидан фахрийларга моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Президентимизнинг бу фармони ана шундай эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу фармонга асосан фахрийларимиз йилга бир марта бепул санаторий ва соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсидан ўтиш имтиёзига эга бўлди.

Биз фахрийлар ҳар қанча фахрланасак арзийди. Чунки кексалик чоғида халқнинг ҳурмат-эъзозидан бўлиш улкан бахт.

Яхё ШАРИПОВ,

II жаҳон уруши қатнашчиси:

— Уруш дахшатлари ҳеч қачон кўз олдимдан кетмайди. Бу уруш дунё тинчлигига раҳна солган муҳим уруш эди. Уни тўхтатиш, оқибатларини бартараф этиш осон кечгани йўқ. Миллионлаб қурбонлар берилди, қонлар тўкилди. Шунинг учун тинчлик улуг нэмат эканлигини қалбдан ҳис қиламан.

Президентимиз тинчлик ва осойишталик жонкуяри сифатида ҳар қанча ҳурматга лойиқ. Қай бир халқро микёсда ўтказилган тадбирда иштирок этмасин, албатта, ўз маърузасида тинчлик мавзусига алоҳида тўхталиб, барча давлат раҳбарларини айрим мамлакатларда юз бераётган нотинчликларнинг олдини олишга, уруш хавфини тинч йўл билан бартараф этиш учун биргаликда курашишга чақиради.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган фармонда соғлигимизни ҳи-

моя қилиш, дам олишимизни ташкил қилиш ҳақида айтилган. Тўғриси, Президентимиз биз уруш қатнашчиларини, фронт ортида хизмат қилганларнинг умрини узайтириш учун жуда кўп ҳаракат қилаяпти. Биз фахрийлар ҳам бу ғамхўрликка жавобан ёшларимиз ўртасида тинчлик, мустақиллик қадри ҳақида ҳаёт тажрибамиздан келиб чиқиб давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказаямиз.

Юртбошимизнинг сайъ-ҳаракатлари, оқилона тадбирлари билан мамлакатимизда осойишталик ҳукм сураяпти. Халқимиз тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Айниқса, биз фахрийларга кўрсатилган эҳтиром учун ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Барчага мана шундай эл ардоғида кексалик гаштини суриш насиб этсин.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

ЎзХДП Сайловолди Дастури Ижроси

Таълим соҳасидаги ислохотлар

Ўзбекистонда баркамол янги авлод вояга етишига хизмат қилмоқда



Республикаимиздаги мавжуд 9739 мактабда 4 миллион 800 минг, 1554 касб-хуна коллежи ҳамда академик лицейда 1 миллион 750 минг нафар ўқувчи, 75 олий ўқув юртида 424 минг нафар талаба таҳсил олмақда. Бугунги кунда 30,5 миллион аҳолининг 8 миллионга яқини бевосита таълим соҳасида банддир.

► Давоми 2-бетда.

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов жараёнида иштирок этувчи ваколатли вакиллари ва кузатувчиларини танлаб олмақда. Уларнинг номзодлари ҳудудий партия кенгашлари пленумларида ҳамда партиянинг курултойида тасдиқланади.

САЙЛОВ — 2014

ЎзХДП Марказий сайловолди штабида иш қизғин бормоқда

Маълумки, жорий йилнинг сентябрь ойида Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси бошлангани эълон қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ЎзХДП Марказий сайловолди штаби ҳамда ҳудудий партия ташкилотларида сайловолди штабларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

СПОРТ

Ришод СОБИРОВ яна тенгсиз

Пойтахтимизда дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи йиллик халқаро турнирда полвонларимиз умумжамоа ҳисобида бир олтин, икки кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди.

Мазкур нуфузли мусобақа икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари совриндори Ришод Собиров учун муваффақиятли кечди. У илк мартаба 66 килограмм вазн тоифасида бош совринга сазовор бўлди. Ришод турнир давомида туркиялик Синан Сандал, италиялик Элио Верде, беларуслик Дмитрий Шершан, ярим

финалда россиялик Денис Лаврентьев, ҳал қилувчи беллашувда мўғулистонлик Алтансукх Довдонни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Бунгача моҳир спортчимиз барча ғалабаларини 60 килограмм вазн тоифасида қўлга киритганди.

Шунингдек, Тошкент Гран-присида вакилларимиздан Диёрбек Ўрозбоев (60 кг), Яхё Имомов (81 кг) кумуш, Шаҳзод Собиров (81 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг), Элёр Машарипов (+100 кг) бронза медаллари билан тақдирланди.

Эркин ХОЛБОБО



2010 йил май ойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш, келгусида партия ташкилотларида ишлайдиган, давлат ҳокимиятининг турли даражадаги вакиллик органлари депутатлигига номзод сифатида кўрсатилган ёш сиёсатчилар қатлами шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидландики, 2009 йил сайловлари натижаларига қўра, «Истиқбол» сафида тобланган ҳамда 30 ёшгача бўлган 57 нафар йигит-қиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланди.

Конференцияда ёш фаоллар партия тизимида навқирон етакчиларни тайёрлаш, навбатдаги сайловларда янада кўпроқ ёшлар депутатликка сайланишига эришиш бўйича вазифаларни белгилаб олишди.

2010 йил май ойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси «Баркамол авлод йили» муносабати билан ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, «Ўзстандарт» агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, мутахассислар таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш масаласини муҳокама этишди.



«Ўзбекистон ОВОЗИ» газетаси сайтыда ўқинг

Иқтисодий барқарорликка эришиш

кафолатлари янада мустақамланади



www.uzbekistonovozi.uz



ОБУНА — 2015

Сухроб Турсунов, дзюдо бўйича Нанкинда ўтказилган II Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси чемпиони (чапда):

— Оиламиз аъзолари бу газетани севиб ўқишади. Ёзда Нанкинда чемпион бўлганимда ҳам ота-онам шу газетада мен ҳақимдаги мақолани ўқиб хурсанд бўлишган.

Достон Рўзиев, дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган II Осиё ўйинлари голиби (ўнгда):

— Тўғри айтдингиз, «Ўзбекистон овози» спорт мавзусига алоҳида эътибор беради. Спорт мавзусини ёритиш бўйича бу газетани чинакамига ЧЕМПИОН газета десак тўғри бўлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб берадиган миллий сайлов тизимининг шакллантирилгани энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлди.

Келгуси сонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримованинг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Бандлик дастури лойиҳаси маъқулланди

Бугунги кунда дунёнинг қатор давлатлари ишсизликни баргараф этиш йўллари ҳақида ҳамон бош қотирмоқда. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарлари тобора кучайиб бораётган ишсизликка қарши курашни бўйича ягона ечим, ишончли йўл тополмаяпти.

Ана шундай шароитда мамлакатимизда бир неча йилдан бери қабул қилинаётган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Бугун эса ушбу дастур самарадорлигини кўтариш, ижро масъулияти ва маданиятини ошириш учун нима қилиш керак, деган саволнинг ечимни устида иш олиб борилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси томонидан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилиниб, масала юзасидан фикр алмашилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимўхамедов берган маълумотга кўра, дастур лойиҳасида келгуси йил 987,5 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Хусусан, касб-хунар коллежларининг 487 минг нафар битирувчиси, хориждан кайтаётган 400 минг нафардан ортиқ фуқарони ишга жойлаштириш чоралари кўзда тутилган.

Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда худудлар ва тармоқларнинг ривожланиш хусусиятлари, иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва имкониятлар ҳар томонлама ҳисобга олинган. Умуман, дастур лойиҳаси аввалги йиллар мобайнида тўплаган тажриба асосида янада такомиллашган.

Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг битирувчиларни ишга жойлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдухалил Раҳмоновнинг таъкидлашича, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини асосан йилнинг дастлабки икки чорагида ҳал этиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, уч томонлама шартномаларни ўз вақтида расмийлаштириш, битирувчиларнинг амалиёт ўташ жараёнини юқори даражада ташкил этиш зарур.

Худудлар ва тармоқларнинг ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига қараб, кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадига бу йил яна 30 касб-хунар коллежининг таълим йўналишлари ўзгартирилган. Ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлаётган битирувчиларнинг иқтисодий кўникмаси ва ҳуқуқий хабардорлигини ошириш бўйича ҳар бир коллежда масъулиятни кучайтириш чоралари қўрилди.

Маълумки, янги иш ўрни очилган ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас. Бунинг учун ишончли иқтисодий асос керак. Акс ҳолда, ҳеч қандай иш ўрни яратилмайди ёки яратилгани ҳам барқарор бўлмайди.

Иқтисодий вазирлигининг демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов берган маълумотларига кўра, дастур лойиҳасида иш ўринлари худудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар билан

узвий боғлиқ. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳалар бўйича яратилиши кутилаётган иш ўринлари таснифлаб чиқилган. Хусусан, инвестиция дастурига асосан келгуси йил мамлакатимизда 158 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар бўйича 6 мингдан ортиқ энг қиммат ва замонавий иш жойлари ташкил этилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодий вазирликлари дастурлар лойиҳаларини шакллантириш, иш ўринлари ҳақидаги барча маълумотлар очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Иқтисодий дастурлар ва лойиҳалар, иш ўринлари ҳақидаги баътафсил маълумотларни вазирликларнинг расмий сайтларидан олиш мумкин.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси хусусида депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Алишер Содиков, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Дастур лойиҳасида иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар худудлар ва тармоқларнинг ҳозирги ривожланиш ҳолати ва имкониятларидан келиб чиқиб белгиланиши жуда муҳим. Лойиҳага киритилган ҳар бир маълумот ёки кўрсаткич ортида қанчадан-қанча инсонлар, оилалар тақдир турганини унутмаслик лозим.

Сурхондарё вилояти Сарисий тумани бўйича ташкил этилиши



Санжар ШОТЎЛТАНОВ олган суратлар.

мўлжалланган иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш жараёнида худудлар ва соҳаларнинг имкониятлари янада чуқур таҳлил қилиниши керак, деган хулосага келдим. Ҳаёт ҳар кунини ўзгаришда, ҳар кунини янги имкониятлар очилади. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича худудлар доирасида манзилли дастурлар шакллантирилиши жараёнида бунга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари билан шу масала юзасидан доимий ишлашимиз зарур, деб ҳисоблайман. Шунда дастурнинг ижроси қийин бўлмайди. Парламент ва депутатлик назоратининг самарадорлиги ошади.

Шухрат Турсунбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Дастурнинг кўлами ва қамрови йилдан-йилга кенгайиб, такомиллашиб боради. Ўтган йили дастурга касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш чора-тадбирлари бўйича

махсус банд киритилган эди ва бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Келгуси йилги дастур лойиҳасида хорижа ишлаш учун кетиб, қайтиб келаётган фуқароларимизни ишга жойлаштириш, уларга қулай шароит яратиш бўйича чоралар ҳам кўзда тутилган. Одамлар яқинлари ва оиласи ёнида бўлиб ишлаши, ўзи истикомат қилаётган туман ёки шаҳар раванга хисса қўиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада комплекс чоралар белгиланаётгани дастурнинг ҳаётлиги ва долзарблигини янада оширади.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг ЎзХДП фракцияси 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси бўйича тақлифларини билдирди ҳамда унинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлади.

Дастур лойиҳаси бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП САЙЛОВДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар

Ўзбекистонда баркамол янги авлод вояга етишига хизмат қилмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ўтказилган семинарда бу рақамлар алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистонда олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг ЎзХДП Сайлов олди дастурида ифода этилиши» мавзусидаги тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар

ва туман партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ходимлари иштирок этди.

Семинарда ЎзХДПнинг 2009 йилдаги Сайлов олди дастурида белгиланган таълим соҳасини янада ривожлантиришга оид вазифалар ҳамда уларнинг ижроси, мамлакатимизда бу соҳада олиб борилган ислоҳотларни янада юқори босқичга кўтариш масалалари хусусида фикр алмашилди, тақлифлар билдирилди.



Улугбек ВАФОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Муваққил йилларида Ўзбекистонда таълим тизими тубдан ислоҳ этилди. «Таълим тўғрисида»-ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида кўлами жиҳатдан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар натижасида умумтаълим мактабида 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, умумтаълим фанларини ўзлаштириш билан бирга,

меҳнат бозорида талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича касб-хунар эгаллаш имкониятига эга бўлмоқда.

Таълим сифатини яхшилаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайлов олди дастуридан ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Партия ташкилотлари ҳамда жойлардаги партия гуруҳларимиз бу соҳадаги муаммолар ва камчиликларни мунтазам ўрганиб, таҳлил этиб бормоқда. Биз учун энг устувор йўналиш — битирувчиларни иш билан таъминлашдир. Шу боис фракцияимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар йили

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг янги иш ўринлари ташкил этиш дастури ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилмоқда. Бу борада касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, фракцияимиз аъзолари ташаббуси билан касб-хунар коллежлари битирувчиларини биринчи бор ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатини белгилашга оид норманинг олиб ташлангани, уларни ишдан бўшатилиш тартиби ҳам битирувчининг манфаатидан келиб чиқиб ҳал этилаётгани фикримиз далилидир. Бундан буён ҳам бандлик масаласи биз учун муҳим вазифа бўлиб қолади.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон ХДП Сайлов олди дастурида баркамол авлод тарбияси, таълим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимояси, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари битирувчиларини касби бўйича бандлигини таъминлаш ўз ифодасини топган.

Биргина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари таълим соҳасини ривожлантиришга доир қўллаб-қувватлаш ишлари суриб, сессиялар кун тартибига киритилди. Хусусан, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижроси юзасидан қилинган ишлар тўғрисида»-ги масала жорий йилнинг май ойида сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинган.



Аббос ХАДЖАЕВ, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази директори ўринбосари:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини тизимда бўлаётган ўзгаришлардан билишимиз мумкин. Аммо шуни айтиш керакки, давр шиддат билан ўзгаришда, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам янада чуқурлашиб боравериши зарур.

Хусусан, тизимда янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ривожланган давлатлар билан тажриба ва ахборот алмашиш, меҳнат ресурсларига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, техник

Шунингдек, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»-ги Қонуннинг Бухоро шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида ижроси тўғрисида»-ги масала шу йилнинг август ойида шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама этилди. Халқ депутатлари Наманган вилояти Чортоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан «Тумандаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштириш ва бунда барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш тўғрисида»-ги масала сессияда қўриб чиқилди.

Сессияларда қабул қилинган қарорлар асосида жойларда бир қатор ишлар амалга оширилди, камчиликлар бартараф этилди. Олдимизда бунданга масъулиятли вазифаларни сурибди. Фарангларимизнинг, ёшларнинг тақдирини, келажак бугунги ишлар самарасига боғлиқ, 2014 йил сайловлари учун қабул қилинган Сайлов олди дастурида ҳам касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, албатта.

ривожланиш ҳамда модернизация жараёни билан боғлиқ эҳтиёжни инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ўқув дастурлари, мутахассислик йўналишларини янгилаб бориш, тайёрланаётган мутахассислар билан меҳнат бозори ўртасидаги талаб ҳамда тақлиф мутаносиблигига эришиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш лозим, деб ҳисоблайман.

Тадбир давомида соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишга доир вазифалар Ўзбекистон ХДП Сайлов олди дастурида янада тўлақонли ифода этилиши учун тақлифлар билдирилди. Семинар якунида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказининг бир гуруҳ ходимлари ташаббуси билан

Гулрух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири. Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.



Абдуғаффор КИРПИЗБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Биргина ўтган йили республикамизда 28 янги касб-хунар коллежи қўрилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлиари тизимидagi 45 объект, 131 касб-хунар коллежи ва лицей реконструкция қилинди ҳамда капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 болалар мусика ва санъат мак-

таби, 112 болалар спорт объекти ва 4 сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Энди муваққил йилларида бу борада қанча ишлар қилинганини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Давлат таълим тизимига шунча катта маблағ сарфлаётган экан, бу албатта, ўз самарасини бермоқда. Бунга қўллаб-қувватлаш мисоллар келтириш мумкин. Таълимнинг самарасини оши-

риш, бу борадаги қонунлар ижросини назорат қилиш борасида партия ташкилотларимиз, фракцияимиз ҳамда жойлардаги партия гуруҳларимиз томонидан кўпгина ишлар қилинди. Бундан кейин ҳам таълим сифатини янги босқичга кўтариш, етук мутахассислар тайёрлаш орқали уларни келгусида ишсизликдан ҳимоя қилиш, кадрлар масаласига эътиборни янада кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

САЙЛОВ — 2014

Партиянинг Марказий сайлов олди штаби ЎзХДП Марказий Кенгаши раҳбарлари ва масъул ходимларидан ташкил топди ва унинг асосий вазифалари тасдиқланди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов кампаниясини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

ЎзХДП Марказий сайлов олди штабида

иш қизгин бормоқда

Ўтган вақт мобайнида сайлов олди штабида республика ва маҳаллий ОАВ орқали кенг жамоатчиликни партиянинг сайлов жараёнидаги иштирокига қаратилган тарғибот ишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тренинглар, машғулотлар ҳақида хабардор қилиш бўйича медиа-режаларни шакллантиришнинг механизми йўлга қўйилди. Бу борада бошланғич партия ташкилотларида, шаҳар ва туман партия кенгашларида ишлар қизгин олиб бориляпти.

турли мавзуларга доир семинарлар ва давра суҳбатлари бошқа вилоятларда ҳам мунтазам ўтказиб келиняпти.

— Амалдаги қонунчилик доирасида биз сайлов олди ташвиқотининг турли усуллари ва шакллари кўллашни режалаштиряпмиз, — дейди штаб аъзоси, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Алишер Равшанов. — Айни пайтда сайловга тайёргарлик ишлари жадал олиб бориляпти. Бунда замонавий ва пухта ўйланган PR кампания, самарали сиёсий технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилляпти. Биз ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тажрибани чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик. Шубҳасиз, барча ташкилий ва тайёргарлик ишларининг асосий мақсади бу — партиянинг сайловларда фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлашдир.

Айнан шу мақсадда партияимиз муассислигидан хабардорлигига асосий эътиборни қаратамиз. Чунки ваколатли вакиллар ва кузатувчиларнинг сайлов жараёнидаги сайлов ҳаракатлари конституциявий тамойиллар ва амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бериши керак. Бу борада жойларда қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Масалан, Фарғона вилоятининг Фуркат, Бувайда, Ёзёвон, Олтиари, Тошлоқ, Риштон туманларида «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқул, Тахтакўпри ва Чимбой туманларида партия фаоллари учун «Партия тизимини ривожлантириш ва сайлов олди ташвиқот даврида сиёсий реклама ва PR технологиялардан самарали фойдаланиш» мавзусида ўқув машғулотлари ташкил этилди. Бундан ташқари, партия ташаббуси билан

Шунингдек, ЎзХДП Марказий сайлов олди штабида депутатликка номзодларни танлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳи ййгилишлари ҳам ўтказилиб, 135 та сайлов округи бўйича партиянинг номзодлари якуний рўйхати шакллантирилмоқда. Мазкур номзодлар рўйхатини тузиш бўйича ишлар партиянинг ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилаётган VIII курултойига қадар тугалланади.

Сайлов жараёнида муваффақиятли иштирок этишга қаратилган бу каби ишлар ҳудудий партия кенгашлари сайлов олди штабларида ҳам қизгин давом этмоқда.

Давоми. Бошланғич 1-бетда. ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати

www.xdp.uz
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

Академик Тўхтапўлат Турсунович РИСҚИЕВ

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудликка учради. Физика, материалшунослик ва юқори температурали кўш ускуналари соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўхтапўлат Рисқиев 70 ёшида вафот этди.



Т.Рисқиев 1944 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1970 йили Тошкент давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти аспирантурасида таҳсил олди. 1975 йилда номзодлик, 1993 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Т.Рисқиев Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Жонкуяр ва фидойи олим ўзининг қарийб 45 йиллик илмий фаолияти давомида Фанлар академияси Физика-техника институти катта илмий ходими, лаборатория мудири, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари,

Фанлар академияси Материалшунослик институти бош илмий ходими каби лавозимларда ишлади. Физика-материалшунослик соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

Атоқли олим ўз шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистонда кўш энергиясидан фойдаланиш мажмуаларини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг физика ва материалшуносликнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишлаб ёзган мақола ва рисоалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматқаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўхтапўлат Рисқиевнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЕВ, Ш.СОЛИҲОВ

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Очиқ мулоқотлар

ҳокимлик фаолиятининг жамоатчиликни хабардор этади,
долзарб масалалар ечимига хизмат қилади

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан туман ҳокимлари иштирокида ўтказилаётган матбуот анжуманлари давом этмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шомансур АҲМЕДОВ иштирокида бўлиб ўтган анжуманда мазкур ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга оидинлик киритилди.

Мирзо Улуғбек тумани майдони 3600 кв.километри ташкил этади. Аҳолиси 260 минг нафардан ортиқ бўлиб, улар 52 маҳалла, 1361 кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Худудда 6 олий ўқув юрти, 34 мактаб, 57 мактаб-гача таълим муассаси, 14 касб-хунар коллежи ва академик лицей ҳамда 26 тиббиёт муассасаси мавжуд. Туманда 368 қўшма ва 14 йирик саноат корхонаси, 4950 дан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бутун юртимизда бўлгани каби Мирзо Улуғбек туманида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бормоқда.

— 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида 7202 янги иш ўрни яратиб кўзда тутилган бўлса, амалда қарийб 7258 иш жойи ташкил этилди, — дейди **Шомансур Аҳмедов**. — Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини

йилнинг ўзида туманда 33 янги болалар майдончаси қуриб битказилди. 88 таси қайта таъмирланди.

Анжуман давомида туман ҳокими журналистларнинг кўп қаватли турар-жойларнинг том қисмини таъмирлаш, кириш



таъминлаш Дастури доирасида жорий йилда 400га яқин орақли минглаб иш ўрни яратиши кўзда тутилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тумандаги бўш ерлардан унумли фойдаланиш, эски биноларни қайтадан таъмирлаб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши натижасида кўплаб ёшлар иш билан таъминланди.

Кўп қаватли турар-жойлар атрофида болалар майдончаларини янгидан ташкил қилиш, эскиларини таъмирлаш ишлари ҳам тизимли равишда олиб борилди. Жорий

йўлақлари озодлигини сақлаш, лифтларни доимий ишлатишни назорат қилиш, ертўраларни тартибга келтириш, болалар майдончаларини таъмирлаш, автотураргоҳлар қуриш каби масалалар юзасидан берган саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Пойтахтимизда қундан қунга йўллар раволашиб, транспорт воситаларининг бир текисда ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бироқ йўловчилар учун мўлжалланган айрим йўлақларнинг ночор аҳоли кўнглини хира қилади. Бу каби ҳолатлар Мирзо Улуғбек туманида

ҳам кўзга ташланади. Ушбу масала юзасидан туман ҳокими шундай фикр билдирди:

— Албатта, йўл таъмирлашни жараёнида пиёдалар йўлақчаларининг аҳоли ҳисобга олинади. — Жорий йилда ҳам туманимизда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 15620 квадрат метр асфальт қопламалари ётқизилди. Шундай бўлса-да, баъзи жойлардаги ҳолатлар ижобий эмас. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида пиёдалар йўлақларида

Хитой технологияси асосида тайёрланган замонавий бетон қопламалари ётқизишни режалаштирганмиз. Уйлайманки, ушбу лойиҳанинг тез қунларда амалга оширилиши йўловчиларга янада қулайлик яратди.

Анжуман давомида билдрилган фикрлар, баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар кўплаб долзарб масалаларнинг ечим топиши, аҳолини ўйлантираётган айрим муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Зарба кучи билакка эмас

мияга боғлиқ

Лондон университети коллежининг бир гуруҳ тадқиқотчилари зарба кучи биланки бакуватлигига эмас, балки миядан берилмаган ўзига хос буйруққа боғлиқ эканлигини аниқлашди.

«Cerebral Cortex» журналида чоп этилган мақолада баён қилинишича, тадқиқотчилар ўз хулосаларини тасдиқлаш учун қаратэ билан шуғулланаётганига ўртача 13 йил бўлган 12 нафар «қора белбоғ» соҳибини танлаб, улар машгулотларини диққат билан кузатди. Бу 12 нафар кўнгли танасига инфрақизил датчиклар ўрнатилди — улар тана ҳаракати ва кучи нишонга аниқ йўналтирилган ёки йўналтирилмаганлигини, шунингдек, мия фаолиятини сканердан ўтказиб шундай.

Худди шундай усул яна 12 нафар бошқа спорт вакиллари ҳам қўлланди. Сўнг улар нишонга зарба бериш машгулотини бошлади-лар.



Натижа шу бўлдики, зарба кучи муқуллар чиниққан-чиникмаган лигига эмас, балки миядан юборилмаган аниқ буйруққа боғлиқ экан. Қанчалик буйруқ аниқ берилса, зарба шунчалик кучли бўларкан.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшаймиз

Бу эса, аввало, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги
учун яратилган имкониятлар натижасидир



Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш масаласига давлат сийсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадлар учун молия муассасалари томонидан катта миқдордаги маблағлар йўналтирилмоқда. Асосийси мазкур саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Бугунги кунда «Агробанк» ОАТБ томонидан оилавий бизнес, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари мустақил ишини йўлга қўйиши учун алоҳида эътибор, гамхўрлик кўрсатилмоқда. Хусусан, Соғлом бола йилида мазкур йўналишларни янада ривожлантириш учун кенг кўламли молиявий кўмак бериб келинмоқда.

Мисол учун, биргина «Агробанк» ОАТБнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида кичик бизнес

субъектларига жами 51,2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Мазкур кредит сармоялар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ошди, энг муҳими қишлоқ жойларига янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари кенгайди.

Банк томонидан йўналтирилган сармоялар натижасида вилоятдаги фермер хўжалиқлар озиқ-овқат, ноозик-овқат ҳамда сарҳил мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етиштиришни бир

Кредит маблағлари ҳисобига вилоятда озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, энг асосийси, мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ушбу иш ўринларининг асосий қисми касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳиссасига тўғри келаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

неча баробар кўпайтириб, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Юртимиз бозорлари йил

давомида озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлалиги ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish ҳамда 2009 йил 28 январдаги маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш тўғрисидаги қарорлари озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари, ҳамда фермерлар учун кенг имкониятлар яратиб, улар ишини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида 13,6 миллиард сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун эса 9,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредит маблағлари ҳисобига вилоятда озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, энг асосийси, мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ушбу иш ўринининг асосий қисми касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳиссасига тўғри келаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

— Мамлакатимизда кўп-тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **Бўка туманидаги «Фахрузбек Бунёд ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Сардор Раҳмонқулов**. — Биз ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаёямиз. Бугунги кунда фермер хўжалигимизнинг умумий ер майдони 75 гектарни ташкил этади. Хусусан, 31 гектарда ғалла, 36 гектарда пахта етиштиряёямиз. Бундан

ташқари, боғдорчилик ҳамда сабзавотчилик билан ҳам шуғулланиб келаямиз. Бу йил хўжалигимиз туманимизда биринчилардан бўлиб пахта режасини бажариб, 94 тонна юқори сифатли пахта тайёрлашга эришди.


2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Конференцияда иштирок этган хорижий мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларни юқори бади қилди. Улар юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, мазасига қўйил қолди.

Кўп тармоқли фермер хўжалигимизни ривожлантириш мақсадида насли чорва моллари келтириш ва аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан

маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз. Маҳсулотларимиз арзон ва сифатли. Ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшаймиз. Бу эса, аввало, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун яратилган имкониятлар натижасидир.

Банкнинг вилоят бошқармаси ҳамда туман филиаллари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида фермер хўжалиқларида истикболли тармоқлар — чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачиликни ривожлантиришга тизимли равишда маблағлар йўналтирилмоқда.

— Истикболли бизнес-лояиҳа тузиб, уни банкка тақдим қилдик, — дейди **«Wayt Milk» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Абдуллаев**. — Сутни қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳамиз банк мутахассислари томонидан тез фурсатда кўриб чиқилди ва бизга 10 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Айни



таъминлашга қарор қилдик. Шу мақсадда қисқа муддатда банкдан 50 миллион сўм миқдорда кредит олдик. Ажратилган кредит эвазига ўнга яқин янги иш ўрни яратилди. Банк билан ҳамкорлик қилиб кам бўлаяймиз.

пайтда корхонада сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозорига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, ўнга яқин янги иш ўрни яратилди. Банк билан ҳамкорлик қилиб кам бўлаяймиз.

да обод бўлиши, янги иш ўринлари яратилиши, энг муҳими, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Хайрулло ХОЛТЎРАЕВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун

Бу акциядорлик тижорат «Алоқабанк» фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда



Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, хусусан банк тизимида олиб бориладиган изчил ва мақсадли ишлар инсон ва унинг манфаатларига, қолаверса, оилалар даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда банк ва молия хизматларини кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш имконини бераётди. Биз буни биргина акциядорлик тижорат «Алоқабанк» фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Банк томонидан айна дамларда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, миқозларга турли банк хизматлари кўрсатиш, уларга янгида янги омонат турларини таклиф этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш юзасидан қатор ишлар амалга ошириладиган. Банкнинг молиявий мадади туфайли уларнинг айланма маблағлари миқдори ортиб, қурилиш, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ютуқларга эришилди.

Биргина мисол. Кўрсатилган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига банк миқозлари сони жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 267 мингга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 43 мингга кўпдир. Банк активларининг 605,2 миллиард сўми ёки 69,1 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри

келаётди. Кредит портфели таркибиде халқ хўжалигининг турли тармоқларига миллий валютада ажратилган ана шундай маблағлар қолдири 592,1 миллиард сўми, чет эл валютасида ажратилган кредит ва лизинг хизматлари қолдири эса 13,1 миллиард сўми ёки бўлмаса 5,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, банк томонидан йил мобайнида юридик ва жисмоний шахсларга 390,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 320,4 миллиард сўми тўғридан-тўғри кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Натижада 3978 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг 1643 таси кичик бизнес соҳаси вакиллари ҳиссасига тўғри келаётди.

Айни дамларда банк кредитлари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, халқимиз фаровонлигини оширишга ва янги иш ўринлари ташкил этишга интиладиган миқозлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Пойтахтимизнинг Мир-

обод тумани ҳудудда жойлашган «ARADA GROUP» хусусий корхонаси 2009 йилда ташкил этилган. Корхона айна дамларда уй-жойлар ва биноларни ижарага бериш, турли йўналишлар бўйича авиачипталар сотиш ва туристик фаолият билан шуғулланиб келаётди. Корхона акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Миробод филиалидан 800 миллион сўм кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирди. Бундан ташқари, банкдан олинган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйил-



— Бугунги кунда биз йилга 400 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди **корхона раҳбари Димитрий Онуцин**. — Ушбу кредитлар ҳисобидан эса 23 янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонуни ҳаётга татбиқ этиш натижасида жисмоний шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 27,1 миллиард сўм кредит ажратилган бўлиб, истеъмол товарлари сотиб олиш бора-сида бу кўрсаткич 22,9 миллиард сўми ташкил этди. Худди шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишлари учун 3,5 миллиард сўм, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида 60,2 миллиард

сўмлик молиявий кўмак берилди. Давлат корхоналарига 70,3 миллиард сўм, нодавлат корхоналарига эса 2,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги инвестицион жараёнларни тезлаштириш, модернизациялаш ҳамда уларни технологик жиҳатдан янгиллаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиявий таъминлаш ишларига эса жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 250,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш ва экспортдоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўл келадиган асбоб-ускуналарни хориждан сотиб олиш ишларига ҳам чет эл валютасидаги кредитлар берилди. Нооziқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар эса 45,1 миллиард сўмга етди. Кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми эса 15,4 миллиард сўми ташкил этди. Қўшма корхоналарга ажратилган ана шундай кредитлар миқдори 26,8 миллиард сўмдан ошди.

— Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» ўзининг самарали фаолияти билан биз каби миқозларда ишонч уйғота олган молия муассасасидир, — дейди **Фаргона шаҳридаги «МДМ Юлдашев» (урологик хасталикларни даво-**

лаш) активлар ҳамда кредит портфели сифатини янада яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ми-

Банк томонидан кўрсатилган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига миқозлар сони жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 267 мингга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 43 мингга кўпдир. Молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида 3978 та янги иш ўрни яратилди.

жозлар сони ҳам кун сайин ортиб бораётди.

— Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун, — дейди **Кибрай туманидаги «Азия — Кибрай» хусусий корхонаси раҳбари Жамолдин Нурмухаммедов**. — Унинг талаби қаноатлантирилмас экан, у банк бўладими ёки бошқа муассасани унга бўлган ишонч батамом йўқолади. Шундай экан, банкка мурожаат қилувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириб молия муассасаси ходимларининг устувор вазифаси ҳисобланади. Корхонами 2011 йилда ташкил этилган бўлиб, озиқ-овқат sanoati ва халқ хўжалигининг турли жаҳаларида ишлатиладиган картондан тайёрланган ҳар

вий асбоб-ускуналарни харид қилдик. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортиб, ойига 100 минг донага етди. Бу эса, ўз навбатида, корхонамизда йилига 600 миллион сўмлик ана шундай кутиларни тайёрлаш имконини бераётди. Амалга оширилган савий-ҳаракатлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда 22 та янги иш ўрни яратилди.

Банк томонидан жорий йилнинг март ойида кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан 10 дан зиёд но-

минациялар бўйича танловлар ўтказилди. «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Аёл тадбиркорлар учун энг яхши лойиҳа», «Энг кўп аёл ишчиларни жалб қилган лойиҳа», «Касб-хунар коллежи битирувчилари учун энг яхши лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг яхши лойиҳа», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа» каби қатор танловларда ғолиб чиққанлар турли имтиёзли кредитларга эга бўлдилар.

Банкдан олинган маълумотларга кўз югуртирамиз: Бугунги кунда акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг 14 та филиали, 25 минибанки, 93 та жамғарма кассаси ҳамда 8 та валюта айрибошлаш шох-босчалари мавжуд бўлиб, улар ҳаммиса миқозлар билан гавжум. Банк филиаллари томонидан ҳар бир йўналиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиладиган. Улар томонидан аҳолининг банкдаги омонатлари шартларини либераллаштириш ва уларнинг кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ишлар банкнинг қатор филиалларида жорий этилганлиги аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик тижорат «Алоқабанк» ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан амалга ошириладиган ишлар хусусан, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

СПОРТ

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида давом этаётган ПараОсиё ўйинларида қитъамизнинг 42 давлатдан 4500 нафарга яқин спортчи йигирма уч спорт тури бўйича медаллар учун баҳс олиб боришмоқда. Унда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишяпти.



ПараОсиё ўйинларининг дастлабки кунда 400 метр масофага сузиш баҳсларида вакилларимиздан Дмитрий Хорлин марра чизгини биринчи бўлиб кесиб ўтди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, эркалар ўртасида 50 метрга S12 ва S13 йўналишлари бўйича ўтган сузиш баҳсларида ҳам терма жамоамиз аъзолари Дмитрий Хорлин ва Кирилл Паньковларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Энгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақаларда бир йўла икки нафар вакилимиз шохсупага кўтарилди. 800 метр масофага югуриш бўйича Фахриддин Ҳамроев финишга биринчи етиб келган бўлса, яна бир спортчимиз Дамир Пашаев бронза медалига муносиб топилди.

Кеча эса даудо, энгил атлетика, сузиш бўйича ҳамюртларимиз яна бир неча бор ғолиб ва совриндорлар қаторида эътироф этилдилар. Вакилларимиз бугунгача умумжамоа ҳисобида 11 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритган ҳолда қирқ икки давлат атлетлари орасида тўртинчи погонани банд этиб туришибди.

Ёшларимиз жаҳон чемпионатида борди

Мьянмада футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида давом этаётган Осиё чемпиони баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг чорак финал босқичида Равшан Ҳайдаров бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таиландлик тенгдошларига қарши майдонга тушди. Унда ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобида зафар кучди.

Мазкур галаба ёшларимизга мусобақа ярим финалига йўлангани тақдир этиш билан биргаликда келаси йили Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Шундай қилиб, ёшлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида қитъамиз шарофтини Ўзбекистон, Мьянма, КХДР ҳамда Қатар футболчилари ҳам қилаётган бўлди. Кеча мусобақанинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон — КХДР (0:5), Мьянма — Қатар (2:3) ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

Эълон

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши реклама видео-роликлари ва шу турдаги маҳсулотлар тайёрлаш бўйича компаниялар ўртасида танлов эълон қилади.

Таклифлар билан мурожаат этиш учун:
Тел: 239-11-98; 239-12-09.
Факс: 239-13-20
E-mail: info@xdp.uz

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси

Александр ЛИГАЙнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси

Мақтуба АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.



MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihididdin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
11315
nuxsada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.50
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
MIRBAXTIYOR MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5